

# Шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш Самарқандга ташриф буюрдилар



14:30 / 28.12.2019 2939

Аввал хабар қилганимиздек, машҳур фақиҳ, усулий аллома шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизаҳуллоҳ юртимиз бўйлаб зиёратларини бошлаган эдилар.

Жорий йилнинг 27 декабрь куни шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш Самарқанд сари йўл олдилар. Меҳмонларни шаҳарда ҳурмат ва эҳтиром ила кутиб олишди.

Меҳмонлар дастлабки зиёратни ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасидан бошладилар. Буюк ватандошимизнинг марқадларида Сулосиётул Бухорийни ўқидилар.

Сўнгра Шоҳи Зинда мажмуаси зиёратида бўлишди ва жума намозини адо этишди.

Куннинг иккинчи ярмида шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизаҳуллоҳнинг Самарқанддаги сафарлари имом Мотуридий зиёратгоҳи билан давом этди. Ушбу зиёратгоҳ 2000 йилда Чокардиза қабристони ҳудудида калом илмининг мотуридия оқими асосчиси Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридийга бағишлаб бунёд этилган.

Ташрифга доир маълумотлар интернет ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларимизда ёритиб борилади. Бизни кузатиб боринг.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



***Islom.uz*** портали таҳририяти